

# ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**Абдурахмонов Дилмуроджон**

*Фарғона давлат университети ўқитувчиси*

**Аннотация:** Экологик муаммоларнинг глобаллашуви инсоният цивилизациясининг ҳозирги тарихий ривожланиш босқичида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу мақолада глобаллашув жараёнларини табиий экотизимлар ва улардаги биологик хилма-хилликнинг қисқаришига таъсири ҳамда экологик муаммоларни оптималлаштиришининг экологик-географик жиҳатлари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, биологик хилма-хиллик, барқарор ривожланиш, оптималлаштириш, экотизим, чўлланиш.

Экологик муаммоларнинг глобаллашуви инсоният цивилизациясининг ҳозирги тарихий ривожланиш босқичида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки, табиий экотизимларни емирилишининг кучайиши, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, глобал иқлим ўзгариши, чўлланиш, турли саноат объектлардаги ҳалокатлар, моддий ресурсларни ишлаб чиқаришнинг кенгайиши каби жараёнлар географик қобиқдаги мувозанатга ҳамда аҳоли саломатлигига салбий таъсири дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Ҳозирги кунда дунё бўйлаб глобаллашув жараёни кенг қулоч ёйиб, тез суръатлар билан ривожланаётган бир даврда унда кечаётган ҳар бир жараённи айниқса, экологик муаммоларни мазмун-моҳиятини англаб этиш унинг мамлакат, қолаверса, бутун жамият ва келажак учун салбий таъсир кўрсатувчи жиҳатларини аниқлаш ҳамда уни олди олишни кўра билиш бугуннинг талабидир.

Ривожланган мамлакатларда кўп қиррали иқтисодиёт ва жамият қурилишининг асосий йўналишлари барқарор ривожланиш тамойиллари асосланган бўлиб, биринчи даражадаги муҳим вазифа сифатида барча соҳаларда табиатни муҳофазаси қилиш сиёсатини яқин интеграцияда изчил амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати ҳам табиатнинг алоҳида элементларини муҳофаза қилишдан экологик тизимларнинг умумий муҳофазасига ўтишни амалга оширишга, инсон яшаш муҳитининг мақбул кўрсаткичларини кафолатлашга йўналтирилган. Бу борада табиат-жамият муносабатларидағи ўзаро алоқани "яшил иқтисодиёт" тамойилларига асосан ривожлантириш механизmlари билан уйғунлаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Бу масалада Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг

жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳаракатлар стратегиясида атроф табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш ва бошқа бу соҳадаги масалалар устувор ҳисобланди.

Ўзбекистон табиатининг биологик ва ландшафтлар хилма-хиллиги миллий бойлигимизнинг ажралмас қисмидир. Бу аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир. Зиммамизда бу меросни келгуси авлодларга бетакрор ҳамда барқарор тизим кўринишида қолдиришдек улкан ва масъулиятли вазифа турибди [3, 7]. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида аҳоли сонининг кескин ортиши, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришиниг ўсиши туфайли инсоннинг табиатга таъсири даражаси кўп марта кучайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон худудининг 18%га яқинини инсон томонидан ўзгартирилган (ҳайдаладиган ерлар, аҳоли пунктлари, саноат корхоналари, йўллар) ландшафтлар ташкил қиласи. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё мintaқасида аҳолиси зичлигининг (1 кв.км га 70 кишига яқин) энг юқори кўрсаткичига эгадир [2, 5, 8].

Собиқ шўролар даврида республикамиз иқтисодиётiga хом ашё етказиб берувчи тармоқ сифатида қаралди. Натижада, қишлоқ хўжалигида пахта якка ҳокимлиги устуворлиги, ирригация мақсадида ташқи салбий таъсирларга монанд чўл ҳудудларининг кенг миқёсда ўзлаштирилиши-Орол денгизи экологик фалокатига, Жанубий, Марказий ва Шимоли-Ғарбий мintaқалардаги ерларнинг иккиласи шгрланишига, тарихан шаклланган сув экотизимларининг ўзгаришига, сунъий ташлама сув ҳавзалари тармоқларининг ҳосил бўлишига, атроф муҳитнинг ўта хавфли дефолиантлар ва пестицидлар билан заҳарланишига олиб келди. Бу омиллар чўллардаги ноёб, баъзи хусусиятлари бўйича бетакрор экотизимларнинг (Марказий Фарғона чўли, текислик дарёлари ўзанларидаги тўқайзорлари, Амударё дельтаси, адир экотизимлари, тоғ ўрмонлари ва ҳоказо) йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлди [3, 9, 11].

Ўзбекистон флора ва фаунасининг кўплаб турларининг сони ва тарқалиш майдони кескин қисқарди, уларнинг айримлари бутунлай йўқолиб кетди. Овлаш обьектлари бўлган йирик сут эмизувчилар ва қушлар ҳамда фақатгина маълум тор яшаш жойларига боғлиқ бўлган эндемик ва реликт ўсимликлар энг катта хавф остида қолмоқда. Охирги 100 йил ичida Ўзбекистон худудида турон йўлбарси, гепард, қулон, орол сулаймонбалифи ва 18 тур ўсимлик йўқолди. Илвирс (тоғ қоплони), қорақулоқ, қоплон каби йирик йиртқичлар йўқолиш арафасидадир. Силовсин, оқ тирноқли айиқ, бурама шохли эчки, бухоро қўйи, Кизилкум архари, сайғоқ ва жайрон жуда кам учрайдиган бўлиб қолди. Амударё ва Сирдарё оқимиининг тартибга солиниши ва Орол денгизининг қуриши

натижасида Ўзбекистоннинг дарёларида амударё кичик ва катта куракбурунлари, орол баҳриси, орол мўйлабдори, чўртансифат оққайроқ деярли учрамай қолди [3].

Ер саёйрасидаги ҳар бир тур – ҳаёт қобиғи бўлган биосферанинг керакли бўғини ҳисобланади ва экотизимда алоҳида ўрнига эга бўлган табиатнинг ноёб ва қайтарилмас ҳодисасидир. Ҳар қандай турнинг йўқолиши бутун атрофмуҳит учун қутилмаган оқибатларни келтириб чиқаради. У ёки бу турнинг йўқолиш арафасига келиб қолишининг асосий сабаби табиий экотизимларга антропоген таъсир ёки ушбу турнинг назоратсиз, вахшийларча овланишидир. Шу муносабат билан охирги ўн йилликларда биологик хилма-хилликни, хусусан, камёб ўсимлик ва ҳайвонларни сақлаш бўйича маҳсус қонуний ҳамда амалий чора тадбирларни амалга ошириш зарурати сезилмоқда [3, 4, 10].

Худуднинг интенсив ўзлаштирилиши ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг камбағаллашуви, ноёб тўқай, чўл ва тоғ экотизимларининг йўқ қилиниши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, чўлланиш, Орол денгизининг экологик фалокати каби салбий оқибатларга олиб келди. Амударё ва Сирдарё сувининг Оролга умумий қўйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичida қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрланиш даражаси эса деярли 25-марта ортди. Бу Орол денгизизда илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди. Орол ва орол бўйи муаммоси юқорида кўриб ўтганимиздек, бугунги куннинг долзарб муаммоси ҳисобланади. Орол денгизининг қуриган қисмидан тузли чанг ва тузларни кўтарилиши, қумларни кўчиб юришини тўхтатиш, хусусан қумларни Амударё ва Сирдарё деълталарига бостириб киришини олдини олиш мақсадида уларни мустахкамлаш, туз тўзиши мумкин бўлган жойларни шамолга берилишини олдини олиш каби бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бу борада фитомелиорация тадбири яхши самара бермоқда. Эол рельефи мавжуд бўлган минтақаларда псамофитларни экиш билан қумларни мустахкамлаш борасида хозирда яхши натижаларга эришилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда камёб ўсимлик ва ҳайvon турларини сақлаш амалиёти Қизил китобларни юритиш – у ёки бу сабабларга кўра йўқолиш хавфи остида бўлган ҳайвон ва ўсимлик турларининг рўйҳатларига асосланади. Қайсиdir турнинг Қизил китобга киритилиши уни овлашни таъқиқлайди ва тегишли давлат органларига тур ва унинг яшаш жойларини муҳофаза қилиш мажбуриятини юклайди. Шундай қилиб, Қизил китоб камёб турларни қонуний муҳофазалашнинг асоси ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Қизил китоби сут эмизувчиларнинг 23 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури, бўғимоёқлиларнинг 60 тури, моллюскаларнинг 14 тури, халқаличувалчангларнинг 3 тури, юксак ўсимликларнинг 321 тури ва қўзиқоринларнинг 3 турини ўз ичига олади [3, 4].

Халқаро даражада муҳофаза этиладиган табиий худудлар тизимини ривожлантириш ҳамда уларни такомиллаштириш вазифаси Халқаро табиатни

муҳофаза этиш уюшмаси (ХТМҚУ-IUCN), хусусан, Умумжаҳон муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар комиссияси (УМЭТҲК-WCPA) томонидан мувофиқлаштирилади. Шунингдек, инсон томонидан табиий ресурслардан оқилона ва барқарор фойдаланиш асосида табиатдаги хилма хилликни сақлаб қолишни таъминлашдан иборат [6, 7, 8].

Ўзбекистон БМТнинг халқаро биохилма-хилликни асраш, ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини ҳимоя қилиш, сувда сузуви қушларнинг яшаш жойи бўлган сувли-ботқоқли ҳудудларни муҳофазалаш, йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвон ва ўсимлик турлари билан халқаро савдо қилиш юзасидан қабул қилинган конвенцияларга қўшилган ва улар асосида зиммага олинган халқаро мажбуриятларни ўз вақтида бажариш мақсадида миллий стратегия ва ҳаракат режалари амалга оширилмоқда. МЭТҲлар табиий обьектлар ва мажмуаларни муҳофаза қилишнинг қаттиқ режимига эга бўлган, типик экологик тизимлар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш ҳамда ўрганиш учун мўлжалланган, умумдавлат аҳамиятига молик муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади [1, 4, 7, 9].

Бу борада, МЭТҲлар яхлитлиги таъминлаш ва бошқарувдаги самарали фаолиятини йўлга қўйиш давлат миқёсидаги биринчи даражали вазифалардан ҳисобланади. «Глобал аҳамиятга эга бўлган биохилма-хилликни муҳофаза қилиш мақсадида мухим тоғли ҳудудларда ўрмонлардан ва табиат ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва бошқариш» деб номланган янги лойиҳа ҳам биохилма-хилликка бой юртимизнинг баланд тоғ экотизимларида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилди [10, 11].

Лойиҳа Глобал экологик жамғарма тақдим этган грант маблағлари эвазига ҳамда бошқа қатор вазирлик ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида 2017-2022 йилларда бажарилиши режалаштирилган. Лойиҳа доирасидаги чора-тадбирлар Ғарбий Тянь-Шань ва Помир-Олойнинг баланд тоғ ҳудудларида Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятининг маъмурӣ чегаралари ичida амалга оширилади. Баланд тоғ экотизимларининг асосий вакили муҳофазага муҳтоҷ бўлган қор қоплони ҳисобланади. У Марказий Осиёнинг баланд тоғ ҳудудларида яшовчи, мушуксимонлар оиласига мансуб йирик йиртқич ҳайвондир. Қор қоплони халқаро "Қизил китоб"га муҳофазага муҳтоҷ тур, Ўзбекистоннинг "Қизил китоби"га эса 2009 йилда тор ареалда яшовчи камайиб бораётган ва бутунлай йўқолиб кетиш хавфи остида қолган тур сифатида киритилган. Мазкур лойиҳа бундай муаммоларнинг олдини олиш, аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтириш, биологик хилма-хилликни асрашга йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳозирги вақтда атроф табиий муҳит мониторинги Ўзбекистон Республикасининг 390 та саноат корхоналарида, 68 та ер усти сув оқимлари пунктларида, 87 та сув ташлама коллекторларида, 1694 та ер ости суви

қудуқларида, 74 та булоқларда ва 61 та атмосфера ҳавосини кузатиш постларида олиб борилмоқда. Атроф мұхитни мұхофаза қилишга мақсадли йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида атмосфера ҳавосига ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий массаси кўрсатиб ўтилган даврда 1,5 бараварга қисқарди, Наманган, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон ва Сирдарё вилоятларининг ўрганилган туманларида суғориладиган ерлар бонитети 0,9 дан 4,7 баллгacha ошди. Шу билан бирга, сув ресурслари ва атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар мониторинги шуни кўрсатдики, баъзи тозалаш иншоотларида оқова ва ташламаларни тозалаш ишларини амалга ошириш самараси етарли даражада эмас, йирик саноат корхоналари атрофидағи баъзи тупроқлар ифлосланган [11, 12].

Шуни таъкидлаш лозимки, чўлланиш ва қурғоқчилик жараёнлари замонавий жиддий экологик таҳдидлардан бири бўлиб, ана шу табиий ва техноген ҳодисаларга қарши кураш зарур чоралар кўришни талаб этмоқда. 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 17 июнни – Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни деб эълон қилди. Бундан мақсад – жамоатчилик эътиборини чўлланиш, ерлар таназзули ва қурғоқчиликнинг халқаро ҳамжамият учун хавфи ортаётганига жалб этишdir. Шу куни бутун дунё бўйлаб ерлар деградацияси муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида хабардорликни оширишга қаратилган турли тадбирлар ўтказилади. Ҳозирги кунда чўлланиш ва қрғоқчилик жиддий экологик ташвишлардан биридир. Ҳар йили қурғоқчилик ва чўлланиш натижасида 42 млрд. АҚШ доллари миқдорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобуд бўлади. Чўлланиш ва қурғоқчилик мавжуд бўлган ҳудудларда 1.5 млрд аҳоли истиқомат қилади. Бу табиий ва техноген ҳолатлар зудлик билан зарур чораларни кўрилишини талаб этади. Чунки, бу жараёнлар арид минтақа учун халокатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Жамият тараққиёти энг аввало, “аҳоли-хўжалик-табиат” кўрсаткичларининг бир –бирига мослигига боғлиқ бўлиб, барқарор ривожланишни таъминлаш бу борадаги тадқиқотларни ривожлантириш орқали эришилади. Глобаллашув жараёнида ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари сингари фан ва илмий билимлар кенг тараққий этмоқда. Маълумки экологик вазият регионаллик хусусиятига эга. Республикамизда табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бузилган табиат комплексларини қайта тиклаш ва атроф-мұхит ҳолатини мұхофаза қилиш йирик маъмурий бирликлар доирасида бошқарилади. Шунинг учун маҳаллий, регионал ва миллий экологик хавфсизликни таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу вазифани бажариш учун эса, туман, вилоят ёки республика миқёсида экологик районлаштириш олиб борилмоқда. Шу муносабат билан табиий ландшафтлар, жойларда биохилма-хилликни сақлашда мұхим ўрин тутадиган

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Закон Республики Узбекистан «Об охраняемых природных территориях» (собрание законодательства Республики Узбекистан, 2005 г., № 1, ст. 1; 2014 г., № 36, ст. 452).

2. Национальный доклад о состоянии окружающей среды и использовании природных ресурсов Республики Ўзбекистан (2008-2011). Ташкент, 2013. -256 с.

3. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби / ЎзРФА, ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси; таҳрир ҳайъати: Ж.А.Азимов, Н.М.Умаров, И.М.Мираубуллаев ва бошқ.; Ж.А.Азимов умумий таҳрири остида. – Т.: Chinor ENK, 2009. Ж.2. Ҳайвонот олами (Тит.в. ва матн гзбек, рус ва инглиз тилларида).

4. Ўзбекистон қўриқхоналарининг тирик жавохирлари. Живые сокровища заповедников Узбекистана / В.П. Лим, Н.Ю. Бешко, Э.С. Ан. Ташкент : Chinor ENK, 2013. 128 - с. - (Тит. л. и текст на рус. и узб. языках).

5. Ўзбекистон географик атласи. Тошкент, 2016. 174-177 б.

6. Wild, R. and McLeod, C. (Editors) (2008). Sacred Natural Sites: Guidelines for Protected Area Managers. Gland, Switzerland: IUCN.

7. Абдуганиев О. И., Махкамов Э. Г., Комилова Т. Д. ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ //Экономика и социум. – 2020. – №. 4. – С. 1072-1077.

8. Abduganiev O. I., Turdiboyeva S. Estimation of ecological-economic condition of territories (on the example of Ferghana regions) //Экономика и социум. – 2019. – №. 9. – С. 371-377.

9. Абдуганиев О.И., & Фоппорова Ф.Б. (2022). ЛАНДШАФТ ВА БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ ГАТ-ТАХЛИЛ АСОСИДА БАҲОЛАШ. Новости образования: исследование в XXI веке, 1(1), 53-58. извлечено от <http://nauchniyimpuls.ru/index.php/noiv/article/view/98>.

10. Abduganiev O.I. Hydrogeological Conditions and Features of the Ferghana Valley //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 17. – С. 92-97.

11. Аҳмадалиев Ю. И., Абдувалиев X. А., Алимджанов Н. Н. ABOUT THE ETHOGEOGRAPHIC ROOTS OF PROBLEMS OF THE CONSUMING WATER AND GROUND RESOURCE //Геоэкологические проблемы бассейна Аральского моря: научные идеи, исследования, инновации. Сборник материалов Международной научно-практической конференции. – 2019. – С. 107-111.

12. Ahmadaliyev Yu.I. Fattoxov N.A. Atmosfera xavosini ifloslanishini oldini olishda tarixiy va xorijiy tajribadan foydalanish. [O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali Vol. 1 No. 10 \(2022\)](http://O'zbekistonda_fanlararo_innovatsiyalar_va_ilmiy_tadqiqotlar_jurnali_Vol_1_No_10_(2022).pdf).